

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

Автоташишлар соҳасидаги муаммолар ҳал этилади

Вазирлар Маҳкамасининг 9.06.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 434-сон қарори қабул қилинди.

«Ўзавтотранс» агентлиги (собиқ Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги) минтақавий ҳокимликлар ҳамда ваколатли идоралар билан биргаликда бир қатор топшириқлар берилди.

Биринчидан, автовокзал ва автостанциялар фаолиятини бошқариш ва тартибга солишнинг марказлаштирилган тизими ишлаб чиқиши зарур. У 2019 йилнинг иккинчи ярим йиллигида жорий этилиши керак.

Бунда қуйдагилар таъминланиши лозим:

- уларни илғор АКТ билан таъминлаш, автовокзаллар, автостанциялар ҳамда «Ўзавтотранс» агентлиги ўртасида ахборот-тармоқ алоқасининг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

- автовокзал ва автостанцияларга уларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида йўловчилар йўналишларини бириктириш;

- йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича, шу жумладан аҳолини йўналишлар, вариантлар ва белгиланган манзилга етиб боровчи транспорт тур-

лари ҳақида хабардор қилиш юзасидан хизматларнинг кенг миқёсдаги рўйхатини тақдим этиш.

Иккинчидан, йўловчиларни рухсатнома ҳужжатларисиз чиқариш/тушириш билан ноқонуний шугулланувчи сунъий автотураргоҳлар муаммосини ҳал этиш.

Учинчидан, шаҳарлараро, вилоятлараро ва халқаро йўналишларда автобусларнинг мақбул иш режимини тақриф этиш лозим.

Тўртинчидан, уларга эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда халқаро йўловчи автобус йўналишларини очишга доир тизимли ишни ташкил этиш.

Бешинчидан, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари тасарруфидаги умумий фойдаланиладиган йўловчилар ташиш йўналишларидаги тўхташ пунктларини хатловдан ўтказиш ҳамда янги бекатларни қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва таъмирлашга эҳтиёжни аниқлаш. Натижада Ҳукумат тасдиқлайдиган 2018–2021 йиллар учун тегишли дастур қабул қилиниши керак.

Олтинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ЙХХХ ва «Ўзавтотранс» агентлиги ҳудудий бошқармалари инспекторларидан иборат доимий фаолият юритувчи мобил гуруҳларни шакллантириш.

Улар ташувчиларнинг йўловчилар-

ни ташишда хавфсизлик талабларига риоя этиши, тендер контрактлари ва юк ташиш шартларини бажариши юзасидан биргаликда мунтазам рейдлар ўтказадилар. Шунингдек автомобилларни мажбурий техник кўриқдан ўтказиш ва ИТХнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини амалга оширишда иштирок этадилар.

Эслатиб ўтамиз, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликларининг барча турдаги йўловчи транспортини лицензиялаш ва ҳаракатланишини мувофиқлаштириш департаментлари «Ўзавтотранс» агентлигининг тегишли ҳудудий бошқармаларига бирлаштирилди.

Тегининча, энди улар автомобиль транспортида ташиш учун лицензиялар берадилар. Илгари департаментлар берган лицензия ва лицензия картчалари уларда кўрсатилган муддатларга-ча амал қилади. 1 июндан бошлаб эса айрим истисноли ҳолатлардан ташқари, амал қилиш муддати чекланмаган лицензиялар берилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 11.06.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Ҳар бир мутахассис ўз малакасини тасдиқлай олади

Президентнинг «Ходимларни касбга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ва касб малакасини баҳолаш ягона тизимини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ҚҲТБТ порталида жойлаштирилган.

Лойиҳада малака, компетенция ва кўникмаларни баҳолаш миллий тизимини жорий этиш тақлиф қилинмоқда. Унинг доирасида ҳар ким ихтиёрий равишда касб малакасига эга бўлиш ёки унинг даражасини тасдиқлаш имконини қўлга киритади. Бунинг учун малакани баҳолаш ва бериш билан шугулланадиган компетенция марказларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотлар уларнинг муассислари бўлиши мумкин. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигини (бундан кейин – Меҳнат вазирлиги) марказларни аккредитациялаш учун масъул орган этиб белгилаш тақлиф этилган.

Мутахассисларга малака берилганлиги тўғрисида гувоҳномалар тақдим этмоқчилар. Малака берилган барча шахсларни Меҳнат вазирлигининг Ягона миллий реестрига киритиш тақлиф этилмоқда. Уни алоҳида интернет-сайт кўринишида ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Касб стандартлари ва малака маълумотномаларини ишлаб чиқиш ишларини услубий таъминлаш соҳасидаги етакчи ташкилот сифатида компетенцияни баҳолаш илмий-услубий маркази (давлат-хусусий шериклик шартларида МЧЖ шаклида) ташкил этилиши алоҳида режалаштирилган.

Бунда касб стандартлари ва малака талабларини соҳага оид давлат ёки ҳўжалик бошқаруви органлари, компетенцияни баҳолаш марказлари ёки ўз норматив-



ларини белгилаш истагини билдирган ташкилотлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси билан келишувга кўра белгилайдилар. Уларни Меҳнат вазирлигида рўйхатдан ўтказиш керак бўлади.

НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

Яна Меҳнат вазирлиги ҳузурида қуйидаги вазифалари белгиланган Касб малакалари ва компетенциялари бўйича кенгашни ташкил этиш мўлжалланмоқда:

- малакани баҳолаш ва бериш жараёни сифатини вақти-вақти билан ва танлаб текшириш;

- малакани тасдиқлаш марказларини аккредитациялаш ёки аккредитациясини чақириб олиш мақсада мувофиқлиги тўғрисида хулосалар тузиш;

- Меҳнат вазирлигининг вақти-вақти билан ва танлаб текширув ўтказиш яқунлари бўйича бир вақтнинг ўзида Ягона миллий реестрдан чиқарган ҳолда малака берилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиши бекор қилинганлиги ҳақидаги тақдимномаларини киритиш;

- касб стандартлари ва малака маълумотномаларини ишлаб чиқиш ишлари услубий таъминланишини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

- малакани баҳолаш ва бериш миллий тизимини такомиллаштиришга доир тақлифларни ишлаб чиқиш.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Ўзбекистонда касб малакасини баҳолаш тизимини ташкил этиш бўйича ижобий тажриба мавжуд. Савдо-саноат палатаси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институтини ва «Norma» профессионал ривожланиш маркази 2017 йилда lex.uz бухгалтерлар малакасини баҳолаш тизимини ишга туширган. У бухгалтерлик касбининг 9 та ихтисослиги бўйича малакани тасдиқлаш имконини беради.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Ушбу
сонда:

2-БЕТ

Хорижлик қанча муддатга бепул
прописка қилиниши мумкин?

7-БЕТ

Авиачипта – ТМБми?

8-БЕТ

Ходим ариза ёзмай, меҳнат
дафтарчасини олмай, «гойиб бўлди»

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Хорижликларни вақтинчалик прописка қилиш, тунги автобус қатновлари ва дронлар тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг 29.05.2018 йилдаги 398-сон қарори билан хорижий фуқаролар ва туристларнинг мамлакатимизда бўлиш режимини соддалаштириш, шунингдек туризм салоҳиятини ривожлантиришга доир шу ва бошқа чора-тадбирлар тасдиқланди. Режалаштирилаётган тузатишлар жорий йил апрелида ҳужжат лойиҳасида тақдим этилган эди. Асосий янгиликлардан қайси бири қабул қилинган ҳужжат билан тасдиқлангани ҳақида қуйида сўз юритамиз.

Хорижликларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш соддалаштирилди

Биринчидан, хорижий фуқаролар, шу жумладан МДХ фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар учун 1 ойгача мuddатга бепул вақтинчалик прописка белгиланди. Илгари ушбу мuddатга ҳақ хорижий фуқаролар учун \$20 ни ташкил этарди, МДХ фуқаролари эса 3 суткадан 6 ойгача вақтинчалик прописка учун \$5 тўлардилар. Энди МДХ фуқаролари 1 ойдан ортиқ, бироқ 6 ойдан кўп бўлмаган мuddатда мамлакатимизда бўлганларида ушбу суммани тўлашлари керак бўлади. Бу МДХ давлатларидан келган, фуқаролиги қайд этилмаган собиқ Иттифоқ паспортларига эга бўлган шахсларга ҳам тааллуқли.

Иккинчидан, таклиф қилувчи (қабул қилувчи) шахслар, ташкилотлар, шу жумладан туроператорлар хорижий фуқароларнинг вақтинча прописка қилинишини таъминлаш учун тегишли ИИБга бевосита ва Интернет орқали махсус электрон автоматлаштирилган дастур ёрдамида мурожаат қилишлари мумкин. Бунда хорижликларни «электрон прописка қилиш» учун уларнинг бўлиш мuddати (30 кунгача ёки ундан ортиқ) аҳамиятга эга эмас.

Учинчидан, Ўзбекистонга шахсий ишлар бўйича нотижорат мақсадларида келган шахсларни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш тартиби белгиланди. Уларнинг бўлиш мuddати 30 кундан ошмаса, ИИБ органларига шахсан мурожаат қилиш билан бир қаторда дастур орқали электрон рўйхатдан ўтиш ҳам мумкин. 30 кундан ортиқ мuddатда келганлар эса рўйхатдан ўтиш учун виза ва рухсатномалар бўлимига боришига тўғри келади.

Тўртинчидан, энди вақтинчалик прописка **шанба кунлари ҳам амалга оширилади**. Илгари шанба ва якшанба кунлари рўйхатдан ўтказиш амалга оширилмаган. Бундан ташқари, вақтинчалик прописка олиш зарур бўлган 3 суткалик мuddатни ҳисоблаш тартиби аниқлаштирилди. У келган санадан (хорижий фуқаро Ўзбекистон Давлат чегарасининг назорат-ўтказиш пункти орқали ўтгандан сўнг) кейинги кундаги соат 00:01 дан бошланади.

Бешинчидан, республикаимиз бўйлаб саёҳат қилаётган хорижликларни вақтинчалик прописка қилишдан озод этиш учун қўшимча талаб белгиланди. Энди бунинг учун нафақат ҳар бир аҳоли пунктида 3 суткадан кўп бўлмаслик, балки келганини тасдиқловчи ҳужжатларга (хизматлардан фойдалангани ёки товарлар харид қилганини тасдиқловчи ҳужжат-

ларга) эга бўлиш зарур. Бунда бир аҳоли пунктида узлуксиз рўйхатдан ўтиш талаби белгиланмади.

Туристларни автобусда ташишга йўл қўйилди

Шаҳарлараро, вилоятлараро ва халқаро йўналишларда **тунги автобус қатновларига яна рухсат берилди** (2003 йилдан тақиқ белгиланган эди). Бундан ташқари, энди **туристик автобуслар ДИХХХ транспорти кузату-висиз ҳаракатланишлари мумкин**. Бунинг учун GPS, мажбурий ва (ёки) ихтиёрий сўғурта полислари, ёруғлик қайтарувчи махсус мослама (линия) ва мобиль алоқа мавжуд бўлган 2 нафар ҳайдовчи бўлиши талаб этилади. Санаб ўтилган талабларга жавоб бермайдиган, ҳар бирига 30 кишидан ортиқ одам сиғадиган 2 ва ундан ортиқ автобусларда, ҳар бирига 30 кишидан кам одам сиғадиган 3 ва ундан ортиқ автобусларда йўловчилар ташилганда улар фақат кузатув остида ҳаракатланади.

Юртимиз бўйлаб кино-, фото- ва видеотасвирга олиш – эркин

Хорижий кинокомпаниялар моддий-маданий мерос объектларида кино- ва видеотасвирга олишга рухсатнома берганлик учун йўл (илгари – ҳар бир тасвирга олиш кунининг 800 минг сўм) ҳамда тасвирга олиш учун ижара тўловларини тўлашдан озод этилди. Озод қилиш шарти – Ўзбекистон брендини илгари суриш, шу жумладан кириш (сарлавҳа) ёки якуний титрда тасвирга олиш мамлакатини ҳамда жойини (объектини) алоҳида кадрлар билан кўрсатиш орқали.

Республикамизнинг туризм салоҳияти ҳақидаги фото- ва видеоматериалларни тайёрлаш учун учувчисиз учиниш аппаратларини, шу жумладан хорижий иккодий гуруҳлар томонидан мамлакат ҳудудига вақтинча олиб кириш ва улардан фойдаланишга рухсат берилди. Бунинг учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги ва «Ўзбекино» агентлигининг илтимосномалари, шунингдек Мудофаа вазирлиги ва Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясига «дрон»лардан фойдаланувчи шахслар ва суратга олиш жойлари ҳақида ахборот тақдим этилиши зарур.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 1.06.2018 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

ЭКСПЕРТГА САВОЛ

Фуқаролиги бўлмаган шахс Тошкентда доимий прописка қилиниши мумкинми?

К.Р. Чирчиқ ш.

Пойтахтда пропискадан ўтишга ким ҳақли

– Қуйидаги шахслар Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниш ҳуқуқига эга (Рўйхат, ВМина 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарори билан тасдиқланган Низомга илова):

1) қонун ҳужжатларига мувофиқ сотиб олинган уй-жойга эга бўлган хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар – хусусий мулк қилиб сотиб олинган уй-жойга;

2) қариндошлар – ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари, мазкур Рўйхат кучга киргунга қадар доимий прописка қилинган уй-жой майдонида;

3) эр (хотин) – хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида, башарти камида 5 йил биргаликда яшаётган бўлса;



4) васийлик ва ҳомийликдаги шахслар – васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида;

5) ота-оналари бўлмаган вояга етмаган туғилган ака-укалар ва опа-сингиллар – ўзларининг туғилган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида;

6) давлат ҳокимияти органларига, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик давлат бошқа ташкилотларига ишга таклиф этиладиган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – кўрсатиб ўтилган шахслар лавозимда турадиган даврга.

Изоҳ. Мазкур Рўйхатнинг 2 (эр ёки хотин, ўз оиласи бўлмаган вояга етмаган болалари ва эр-хотиннинг биргаликдаги ва (ёки) олдинги никоҳидан ёки никоҳсиз туғилган вояга етмаган болалари, шунингдек фарзандликка олинган болалари бундан мустасно), 3, 4, 6-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қариндошлари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмади.

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Автоташкиллар соҳасидаги муаммолар ҳал этилади **1-бет**

• НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

– Ҳар бир мутахассис ўз малакасини тасдиқлай олади **1-2-бетлар**

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Хорижликларни вақтинчалик прописка қилиш, тунги автобус қатновлари ва дронлар тўғрисида

– Пойтахтда пропискадан ўтишга ким ҳақли **2-бетлар**

• РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг қарорлари:

– «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида;

– «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарори

– «Энергия ресурсларини истеъмол қилиш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш, шунингдек, ижро ишини юритиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

Меърий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 21 майдан 25 майгача бўлган маълумот **3-6-бетлар**

• ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Авиачипта – ТМБ эмас

– Устав фондидаги товарларнинг реализацияси

– Кўп тармоқли МЧЖда битта директор

– Қарздан воз кечиш мумкин **7-бет**

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Тўлов учун қабул қилинсин

– Мураббийлик қилиш мuddати

– Айб ўзида **8-бет**



РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

- «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»;
- «Аҳолининг иқтисодий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

- «Энергия ресурсларини истеъмол қилиш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш, шунингдек, ижро ишини юритиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• МЕЪБЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 21 МАЙДАН 25 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

«ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР» ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА*

Сўнгги йилларда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион соҳалар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бандлигини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, олиб борилган таҳлил натижалари жойларда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандлигини таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлари талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда.

Меҳнаткаш халқимизнинг қадимий касб-хуна анъаналари, ишбилармонлик салоҳияти оилавий тадбиркорлик, хунарандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини кенг омалаштириш, экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қатта тажриба ва захира мавжудлигидан далолат беради.

Ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало, опис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилган «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) амалга оширилади.

2. Қўйидагилар Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;

тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришга амалий ёрдам бериш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш; касаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микрофирмаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали аҳолига қўшимча даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш; қишлоқ ва маҳаллаларнинг иқтисослашувини (хунарандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ичмам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш — миникластерлар ташкил этиш;

жойларда оилавий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар қўламини тубдан кенгайтириш, тадбиркор оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари савдосини ташкил қилувчи бозор инфраструктураси объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳобчаларини барпо этиш;

қишлоқ ва маҳаллаларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш;

вақтинчалик молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаб, улар фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Дастурни амалга ошириш учун қуйидаги ишчи гуруҳлар тузилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича ташкилий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар);

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 8.06.2018 йилда ва «Халқ сўзи» газетасининг 8.06.2018 йилдаги 117 (7075)-сонида расман чоп этилган.

инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик sanoat зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалаларига масъул бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ўринбосарлари раҳбарлигида Аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тавсиялар бериш бўйича махсус ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Махсус ишчи гуруҳлар);

туман (шаҳар) ҳокимлигининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида Тадбиркорлик фаолияти ташкил этишга амалий ёрдам бериш ҳамда мониторинг қилиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Ҳудудий ишчи гуруҳлар).

Бунда:

Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар Марказий банкнинг ҳудудий бошқармалари, ҳудудий молия, солиқ, инвестиция бошқармалари, тижорат банклари ҳудудий филиаллари ва иқтисодий мажмуага қирувчи бошқа идораларнинг масъул ходимлари, Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши ҳудудий бўлинмалари раҳбар ходимлари;

Махсус ишчи гуруҳлар ҳудудий Савдо-саноат палатаси, инвестиция, солиқ бошқармалари, тижорат банклари ҳудудий филиаллари, «Хўнараманд» уюшмаси, Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши ҳудудий бўлинмалари вакиллари;

Ҳудудий ишчи гуруҳлар иқтисодий мажмуага қирувчи ташкилотлар малакали мутахассис ходимларининг 50 фоиз қисмидан, банк филиаллари, Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши туман бўлинмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари ва профилантика инспекторларидан иборат таркибда шакллантирилади.

4. Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларга:

Ҳудудий ишчи гуруҳларнинг ҳар бир оилани ўрганиш натижалари бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

Ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан ўрганиш натижалари бўйича киритилган муаммоларни ҳал этиш чораларини қўриб бориш, республика миқёсда ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идораларга киритиб бориш;

туман ва шаҳарларда тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш, янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиб бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бораида Ҳудудий ишчи гуруҳларнинг фаолиятини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш ва ҳар ой натижалари бўйича улар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаш;

ҳар бир туман ва шаҳарда Дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари ҳусусида Дастур координаторларига батафсил ахборот киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Махсус ишчи гуруҳларга:

тадбиркорлик билан шугулланиш иштиёқида бўлган фуқароларни ушбу фаолиятга йўналтириш учун жойларга чиққан ҳолда «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари ва унинг маҳаллий шароитларга мос бўлган турлари» мавзусида ўқув машғулотларини ўтказиб, уларга аниқ ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилган турли йўналишлардаги тайёр бизнес-режаларни тақдим этиш;

ички ва ташқи бозорларни доимий равишда ўрганиб бораган ҳолда барқарор ҳамда долзарб талабга эга бўлган махсуслотларнинг рўйхати ва ҳажми юзасидан маълумотлар базасини шакллантириш, ҳар ойда янгиланб бориш ҳамда ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига мунтазам равишда етказиб бориш ва йўналишлар бериб бориш;

ҳаридоригр махсуслотлар ишлаб чиқариш учун замонавий

минитехнология ва бошқа ускуналарнинг тадбиркорлик билан шугулланиш истагида бўлган оилаларга тақдиротларини ўтказиш ва сотиб олишига қўмаклашиш;

қўл қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолига қасаначилик ва кичик ҳажмда махсуслот ишлаб чиқарувчи микрофирмаларни ташкил этиш орқали қўшимча даромад топиш имконини яратиш;

тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсуслотларни сотиш (шу жумладан, бюджет ташкилотларига) орқали уларнинг фаолиятига қўмаклашиш юклатилсин.

6. Ҳудудий ишчи гуруҳларга:

ҳар бир оила ва хонадонларни хатлов асосида қамраб олган ҳолда, тадбиркорлик билан шугулланиш салоҳияти, истак ва таклифларни синчковлик билан ўрганиш;

ўрганиш давомида оилаларнинг тадбиркорлик қояси ва кўникмаси, ушбу фаолиятни амалга ошириш учун етарли шароитлари мавжудлигини аниқлаш;

ховли ва қўл қаватли хонадонларда яшовчи ҳар бир оиланинг тадбиркорлик салоҳияти ва имкониятларини таҳлил қилиш, яшаш ҳудудининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишлари учун кенг қамровли йўналишлар бериш ва қўмаклашиш;

тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш истагида бўлган шахсларга тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш ишларини ташкиллаштириш;

аҳолининг шахсий томорка ер майдонларидан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар бериш, уларни амалга оширишга қўмаклашиш;

тадбиркорлик билан шугулланаётган ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган оилаларга янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда айрим сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари ва хўнарамандлар фаолиятини қайта тиклаш учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши ҳамда мавжуд муаммолар ҳал этилишига амалий ёрдам бериш;

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни амалга оширишда ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқа давлат хизматлари кўрсатилишида тавсиялар ҳамда қўмак бериш;

ҳар ойда камида бир марта тадбиркорликни янги ташкил қилган оилаларга таширф буюриб, фаолияти давомида юзга келаятган муаммоларни ўрганиб бориш, уларни бартараф этиш ва ажратилган имтиёзли кредитлардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш;

ўрганиш натижалари бўйича ҳудуд ва республика миқёсда ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ва таклифларни Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларга киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

7. Дастур амалга оширилишини мувофиқлаштириш, тизимли мониторинг қилиш ва рўёбга чиқарилишига қўмаклашиш Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари А.Р. Каримов, иқтисодиёт вазирининг ўринбосари А.Ж. Ортоқов, Марказий банк раисининг ўринбосари А.Р.Исламов — Дастур координаторларига юклатилсин.

Дастур координаторлари ишчи гуруҳлар томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳар ой якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти дивонига ахборот киритиб бориш.

8. Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорка ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига зарур бўлган ҳолатларда Дастурда белгиланган вазифаларни қўшимча молиялаштириш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) Дастур доирасида тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит-

ларга устувор равишда кафиликлар ва фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар ажратсин.

Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар Жамғармага тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиладиган йўналишларни кенгайтириш юзасидан тақлифлар киритиб боссин.

9. Белгилан қўйилсинки, тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар:

энг кам иш ҳақининг юз эллик бараваригача миқдорда — оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари;

энг кам иш ҳақининг минг бараваригача миқдорда — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафилиги, сугурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинмаган мол-мулклар гарови, Жамғарманинг кафилиги ва қонун ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари;

энг кам иш ҳақининг минг бараваридан ортиқ миқдорда — тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини кредитлашда қонун ҳужжатлари доирасида белгиланган таъминот турларига асосан ажратилади.

10. Дастур координаторлари зиммасига туман ва шаҳарларда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан самарадорлиги юқори, барқарор иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳаларга энг кам иш ҳақининг минг бараваридан ортиқ миқдорда Дастур доирасидаги ресурслар ҳисобидан имтиёзли кредит ажратишга Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг қарорига асосан ҳулоса бериш вазифаси юклатилсин.

Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар аъзолари ўз қарори асосида имтиёзли кредит ажратилган лойиҳаларнинг тўлиқ ишга туширилиши ҳамда келгусида ушбу лойиҳаларнинг самарали ишлашини мониторинг қилсин.

Дастур координаторлари Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг қарорлари асосида кредит ажратилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳолатини алоҳида назорат қилиб боссин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сугурта ташкилотлари билан биргаликда тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитларнинг қайтамаслик хатари сугурталанганда сугурта тўловини 1,5 фойиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланган ҳамда сугурталаш шартларини енгиллаштириш чораларини қўйсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда фойдаланилмаётган ер майдонларини инвентаризациядан ўтказиб, белгиланган муддатларда фойдаланилмаган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда бекор қилиниши ҳамда ушбу ер майдонларини Дастур доирасида фаолиятини бошлаётган ва кенгайтираётган тадбиркорлик субъектларига ажратиш юзасидан зарурий чоралар қўйсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаш ва улар фаолиятини қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин ва натижасида юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб боссин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мунтазам равишда туман ва шаҳарларда замонавий минитехнологиялар ва бошқа ускуналар сайёр кўргазмаларини ташкил қилиш чораларини қўйсин.

15. Жорий йилнинг 10 июнидан бошлаб намунавий тарзда Андижон вилоятининг туман ва шаҳарларида «Хар бир оила — тадбиркор» ҳудудий дастури (кейинги ўринларда — Ҳудудий дастур) амалга оширилсин.

Андижон вилояти ҳокими (Ш.Қ.Абдурахмонов) жорий йилнинг 10 июнига қадар мазкур қарорда кўрсатилган ишчи гуруҳларни тузсин.

16. Ҳудудий дастурда кўзда тутилган вазифаларни молиявий таъминлаш мақсадларига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан жалб қилинадиган хорижий молия институтлари кредит линияларидан 200 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Дастур координаторлари мазкур маблағларни туманлар (шаҳарлар) салоҳияти, келиб тушган мурожаатларнинг асосланганлиги, шакллантирилган лойиҳаларнинг истиқболи ва қўшимча иш ўринлари яратишга йўналтирилганлиги ҳамда ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, Андижон вилояти тижорат банклари ва туманлар (шаҳарлар) кесимида тақсимласин ҳамда уларга зарур ҳолларда қайта тақсимлаш ваколати берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (А.К.Мирсатов) ушбу кредит маблағларини Дастур координаторлари тақсимидага асосан, Андижон вилоятида фаолият юритувчи тижорат банкларига йиллик 3 фойиз тўлов шarti билан қайта молиялаштирсин.

17. Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш.Қ.Абдурахмонов) манфаатдор вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари, Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки билан биргаликда:

бир ой муддатда наслии қорамол, парранда ва қўёнларни маҳаллий шaroитларга мослаштирувчи махсус фермаларни ташкил этиш;

мазкур фермаларга чет элдан махсусдорлиги юқори бўлган наслдор қорамол, эчки ва қўён зотларини олиб келиш, қўлайтириш ҳамда вилоятнинг табиий-иклим шaroитларига мос зотларини яратиш, молларни сунъий қочирининг илгор технологияларини жорий этиш;

мазкур фермаларда маҳаллий шaroитга мослаштирилган наслдор қорамол, эчки ва қўён зотларининг кўргазмаларини ташкил этиш ва аҳоли хоҳишига асосан, уларни танлов асосида мақбул нархларда сотиб олинишига замин яратиш;

аҳолига махсус фермалардан сотиб олинган чорва моллари, қўён ва паррандаларни боқиш технологияларини батафсил тушунтириш ва келгусида ҳар бир хонадонда мавжуд чорва моллари ва паррандаларни вакцинация қилиш тадбирларини амалга ошириш, аҳолига наслдор молларни сунъий қочириниш ва узлуксиз ветеринария хизматлари кўрсатиш тармоғини кенгайтириш;

сифатли омихта ем ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш борасида лойиҳа ташаббускорларига ҳар томонлама қўмаклашиш, аҳолининг йиллик эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, омихта ем, витаминлар, премикслар, қўшимчалар ҳамда ветеринария препаратларини етказиб бериш;



«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электронмаълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Т.Я.Имрахонов кўч., 1/1. Тел.: (998 71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

йирик тадбиркорларни жалб этган ҳолда, саноатлашган чор-ваччилик кластерларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А.Қўчқоров, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Б.З.Асадов Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ.Абдурахмонов билан биргаликда оилавий тадбиркорлик фаолияти илгор ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш учун Андижон вилояти иқтисодий комплексига мутасадди ходимларини хизмат сафарига юбориш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

19. Белгилансинки, республиканинг бошқа ҳудудларида Дастур уни амалга оширишнинг аниқ молиявий манбалари ва ҳисоб-китобларини назарда тутилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда «Ҳар бир оила —

тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартибини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

21. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор билан белгиланган мақсад ва вазифаларни кенг кўламли еритиш тавсия этилсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 7 июнь
ПҚ-3777-сон.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАИФ ҚАТЛАМИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Мамлакатда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини, жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган паст даромадли оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича амалий чоралар кўришмоқда.

Хусусан, оғир ижтимоий-маиший шароитларда яшовчи оилалар арзон уй-жой билан таъминланмоқда, уларга тиббий хизматларни олишда, маиший техникалар ва уй ҳайвонларини сотиб олишда бегараз ёрдамлар кўрсатилиб келинмоқда ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун маҳсулот ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг бандлигини таъминлаётган таъшилотларга солиқ ва кредит имтиёзлари тизими назарда тутилган.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳамолат бирлашмалари ва тадбиркорлик субъектларининг аҳолининг ижтимоий заиф қатламини, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб этиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганини кўрсатмоқда.

Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами фаровонлигини ошириш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5270-сонли Фармониغا асосан, ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш мақсадида:

1. 2018 йил 1 августдан бошлаб 1-иловага** мувофиқ алоҳида тоифадаги тадбиркорлик субъектларига қуйидаги имтиёзлар ва преференциялар берилсин:

харидор томонидан инвестицион ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан давлат мулки объектларини «ноль» харид қийматидан сотиш бўйича ўтказиладиган танлов савдолари натижаларига кўра, танлов савдоларининг бошқа иштирокчилари билан унинг таклифлари ўртасида тенг шароитлар юзга келган ҳолларда битимни тузиш бўйича устуворлик ҳуқуқи;

давлат мулки объекти учун ижара тўловини ушбу объектга нисбатан энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган имтиёз ва преференцияларни қўллаш тартибини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишган ҳолда ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

2. Тижорат банклари 1-иловада кўрсатилган алоҳида тоифадаги тадбиркорлик субъектларига:

айланма маблағини тўлдириш учун — уч ойлик имтиёзли давр билан 18 ойгача муддатга;

асбоб-ускуналар ва сарфлаш материаллари харид қилиш учун — олти ойлик имтиёзли давр билан 3 йил муддатга кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ушбу бандда назарда тутилган кредитлар бўйича фоизларни тўлаш учун компенсация ҳамда мажбуриятлар таъминоти юзасидан кафилилик беришни таъминласин.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 12.06.2018 йилда ва «Халқ сўзи» газетасининг 12.06.2018 йилдаги 119 (7077)-сонида расман чоп этилган.

**Қарорға 1–2-иловалар «СБХ»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

РЕКЛАМА

4 НОРМА МАСЛАХАТЧИ

www.nrm.uz

№ 25 (674) ■ 2018 йил 19 июнь

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра, 2018 йил 1 августдан бошлаб штадаги ҳодимларнинг 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан ташкил толан ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари корхоналари жами ҳодимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 4,7 фоиз миқдорда белгиланади ва ягона ижтимоий тўлов суммаси ўрнатилган тартибда тақсимланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда илгори хорижий таъриби ва миллий амалиёти чуқур ўрганиши асосида ижтимоий тадбиркорлик субъектларини аниқлашнинг тартиби ва мезонларини, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва фаолияти эркинлиги кафолатларини назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда уч ой муддатда ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин фойдаланиши учун барча техник ва тиббий-ижтимоий имкониятларни инobatта олган ҳолда, ҳомийлар ва ҳомийлик олувчиларни боғлайдиган, энг аввало, ҳомийлар ёрдамига ва қўллаб-қувватлашига ўта муҳтож кишилар ҳақидаги мақолалар ҳамда маълумотлар жойлаштириладиган махсус веб-портал яратиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор нодавлат нотижорат ташкилотлар билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилишда берилган имтиёз ва преференциялар тўғрисида, шунингдек, ногиронлиги бўйича ҳеч қандай камситишга йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қўнуни манфаатларини амалга оширишдаги тенг шароитлар яратиш ва уларни бузганлик учун жавобгарлик муқаррарлиги ҳақида кенг тушунириш ишларини амалга оширсин.

6. Ўзбекистон ногиронлар жамаияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамаияти, Ўзбекистон қарлар жамаияти (кейинги ўринларда жамоат бирлашмалари деб қўйилади)нинг уларнинг корхоналари тасарруфидagi ишлаб чиқариш объектларидан самарали фойдаланилиши ва уларга бириктирилган ер майдонларидан оқилона фойдаланишни комплекс ўрганиш бўйича тақлифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда республиканинг ҳар бир ҳудуди кесимида 2-иловага** мувофиқ жамоат бирлашмаларининг корхоналарига тегишли ишлаб чиқариш объектлари ва ер майдонларидан самарали фойдаланишни комплекс ўрганиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этсин;

бир ҳафта муддатда жамоат бирлашмаларининг корхоналарига тегишли ишлаб чиқариш объектлари ва ер майдонларидан самарали фойдаланишни ўрганиш жадвалини уларнинг ҳар бир туман (шаҳар)даги сон ҳамада ижтимоий-иқтисодий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда тасдиқласин;

2018 йил 1 августга қадар ишчи гуруҳлар томонидан жамоат бирлашмаларининг корхоналарига тегишли ишлаб чиқариш объектлари ва ер майдонларидан самарали фойдаланишни ўрганилишини ҳамда улар томонидан заруратга қўра аниқланган муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилишини таъминласин;

2018 йил 1 сентябрга қадар ўрганишлар натижаси бўйича жамоат бирлашмаларининг корхоналарига тегишли ишлаб чиқариш объектлари ҳолатини яхшилаш ва уларга бириктирилган ер майдонларидан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлардан иборат «Йўл харитаси»ни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун ҳамда моҳияти кенг ёритилишини ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига етказилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қўну ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

*Тошкент шаҳри,
2018 йил 11 июнь
ПҚ-3782-сон.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ, СУВ ТАЪМИНОТИ ВА СУВ ЧИҚАРИШ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ, ШУНИНГДЕК, ИЖРО ИШНИНИ ЮРИТИШ СОҲАСИДА ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

(«Ўзбекистон Республикаси қўну ҳужжатлари тўплами», 28.05.2018 йилдаги 21 (833)-сон, 443-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 15 февралдаги ПҚ-5343-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда энергия ресурсларини истеъмол қилиш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш, шунингдек, ижро ишини юритиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш

бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 15 февралдаги ПҚ-5343-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбек-энерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, шунингдек, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 майдан бошлаб қарздорлар, шу жумладан, етказиб берилган энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари ҳамда ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлар тўғрисида барча учун очик маълумотлар базаси ишлаб чиқилаётгани маълумот учун қабул қилинсин.

*Ушбу қарор Қўну ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 22.05.2018 йилда расман эълон қилинган.

2. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган йирик битимлар, айрим турдаги молия-кредит хизматлари, халқаро йўловчи ташиш хизматлари ва давлат хизматлари жисмоний ва юридик шахсларнинг электр энергияси, табиий газ етказиб бериш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича қардорлиги (кейинги ўринларда қардорлигини текшириш деб аталади) мавжудлиги текширилганидан кейин амалга оширилади, ушбу банднинг олтинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

қардорлиги мавжудлигини текшириш ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) маълумотлар базаси орқали онлайн режимида тегишли йирик битимларни амалга ошириш ва хизматлар кўрсатишдан аввал амалга оширилади;

йирик битимларни амалга ошириш ва тегишли хизматлар кўрсатишга қардорлигини текшириш натижалари бўйича етказиб берилган энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари, шунингдек, мулкий тусдаги ижро ҳужжатлари бўйича тўланмаган қарз аниқланмаган тақдирдагина рухсат этилади. Бу ҳолларда битимни амалга ошираётган ёки хизматлар кўрсатаётган ташкилот Бюро маълумотлар базасидан тегишли кўчирмани чоп этади ҳамда уни тегишли битимларни амалга ошириш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ материалларга бириктириб қўяди;

жисмоний ва юридик шахсларда қардорлиги аниқланган тақдирда, битимни амалга ошираётган ёки хизматлар кўрсатаётган ташкилотлар қардорига Бюро маълумотлар базасидан олинган тегишли кўчирма нусхасини тақдим этган ҳолда битимни амалга ошириш ва хизматлар кўрсатишни рад этади.

Даврий тўловларни тўлашни назарда тутадиган мулкий тусга эга ижро ҳужжатлари бўйича қардорлигини текшириш фақат ушбу қарор 1-илоvasининг 10—12-бандларида назарда тутилган хизматлар кўрсатилаётганда жисмоний шахсга нисбатан суд ёки давлат ижрокчиси томонидан Ўзбекистон Республикасидан чиқишга вақтинчалик чеклов ўрнатилганлиги мавжудлиги юзасидан амалга оширилади.

Белгилаб қўйилсинки, етказиб берилган энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун қардорлигини текшириш жисмоний шахсларга — кўчмас мулк объектлари мулкдорларига ва қардор — кўчмас мулк мулкдорининг турар жой манзили бўйича доимий прописка қилинган шахсларга нисбатан амалга оширилади.

3. Битимларни амалга оширувчи ва тегишли хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг қардорлиги мавжудлигини текшириш схемаси 2-иловада** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Бюро Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда қўйидагиларни амалга ошириш имконини берадиган махсус дастурий модул ишлаб чиқишсини ва унинг фаолиятини таъминласин:

Бюронинг маълумотлар базаси орқали етказиб берилган электр энергияси, табиий газ, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун, шу жумладан, жисмоний шахс доимий прописка қилинган жой бўйича, шунингдек, мулкий тусдаги ижро ҳужжатлари бўйича қардорлигини текшириш;

қардорлигини текшириш натижаси бўйича текшириш ўтказилган сана ва вақтни кўрсатган ҳамда махсус QR-кодни қўйган ҳолда текшириш натижалари тўғрисидаги кўчирмани чоп этиш;

Бюронинг маълумотлар базасига тегишли қардорлик тўланганлиги тўғрисидаги ахборотни тезкор равишда киритиш.

5. Ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган йирик битимларни амалга оширувчи ва хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар Бюро билан биргаликда икки ҳафта муддатда қардорлигини текширишда дастлабки ва чиқиш маълумотларига доир ягона технология ва ташкилий талабларни, Бюронинг маълумотлар базасига марказлаштирилган ҳолда улаштириш ҳамда ахборот хавфсизлигининг бошқа талабларини назарда тутувчи ўзаро электрон ҳамкорлигининг тегишли регламентларини тасдиқласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари жисмоний ва юридик шахсларга ушбу қарор билан тасдиқланган рўйхатда назарда тутилмаган кредитлар беришда ҳамда бошқа молия-кредит хизматлари кўрсатишда мижознинг тўлов қобилиятини ва бажарилмай қолган молиявий мажбурияти мавжудлигини текшириш мақсадида Бюро маълумотлар базаси орқали қардорлиги текширувчи банк амалиётига жорий қилиш тавсия этилсин.

7. Бюрога жисмоний шахсларнинг етказиб берилган энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари, ижро ҳужжатлари бўйича қардорлиги тўлашнинг қўшимча шакллари, фуқароларни қардорлиги мавжудлиги ва уни замонвий ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан, SMS хабарлар ва USSD сўровлардан фойдаланган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисида хабардор қилиш шакллари жорий этиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси мобил алоқа тармоғи операторлари Бюронинг сўровига биноан абонентларга етказиб берилган энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари бўйича қардорлиги, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича қардорлиги муддати ва уларни тўлаш тартиби тўғрисидаги SMS-хабарларнинг бепул тарқатилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон темир йўллари) АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтьгаз» АЖ бошқаруви раиси А.С.Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,
2018 йил 21 май
379-сон.

****Қарорга 2-илова «СБХ»да берилмайд. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.**

РЕКЛАМА



«КИЧИК ҚОРҲОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Талтимаржон кўч., 1/1.
Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ МАЪЛУМОТЛАР
БАЗАСИ ОРҚАЛИ ФАҚАТ ҚАРЗДОРЛИК ТЕКШИРИЛГАНДАН
КЕЙИН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЙИРИК БИТИМЛАР
ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР
РЎЙХАТИ**

Т/р	Йирик битимлар ва хизматлар	Битимларни амалга оширувчи ёки хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар
1.	Кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлаш (олди-сотди, ижара, ҳада, ишончнома бериш, ишончли бошқариш ва шу кабилар)	Нотариал идоралар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги)
2.	Автотransпорт воситалари билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлаш (олди-сотди, ижара, лизинг, ҳада, ишончнома бериш ва шу кабилар)	
3.	Янги автотransпорт воситаларини, шу жумладан лизинг шартномалари бўйича сотиш	«Ўзавтосаноат» АЖ
4.	Кўчмас мулк ва автотransпорт воситаларини сотиб олиш учун кредитлар бериш, шу жумладан, улар бўйича лизинг операциялари	Тижорат банклари
5.	Ижро ҳужжатлари бўйича электрон-онлайн аукционларда мулкни сотиш (электрон онлайн аукционда иштирок этиш учун буюртманомалар қабул қилиш)	«Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази» ДУК (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси)
6.	Хусусийлаштирилган кўчмас мулк объектларини, масъулияти чекланган жамиятлар устав фонди (устав капитали)даги давлат улушларини ҳамда давлат мулкни ижарага бериш ҳуқуқини электрон онлайн-аукционларда сотиш (электрон онлайн аукционда иштирок этиш учун буюртманомалар қабул қилиш)	
7.	Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва тегишли гувоҳнома бериш	Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси) Давлат хизматлари марказлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги)
8.	Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва тегишли гувоҳнома бериш	
9.	Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги кадастр ишларини тайёрлаш	
10.	Халқаро йўловчи ташиш хизматлари кўрсатиш учун авиа-чипталар сотиш (Ўзбекистон Республикасига авиа-чипталардан ташқари)*	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг авиа-чипталар сотиш кассалари
11.	Халқаро йўловчи ташиш хизматлари кўрсатиш учун темир йўл чипталари сотиш (Ўзбекистон Республикасига темир йўл чипталаридан ташқари)*	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг темир йўл чипталари сотиш кассалари
12.	Чет элга чиқиш учун рухсатнома ёзуви стикерини расмийлаштириш*	Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги)
13.	Автотransпорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш	Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги)
14.	Автотransпорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш ва алмаштириш	

15.	Фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун лицензиялар бериш ва қайта расмийлаштириш, шунингдек, лицензияларни қайта тиклаш ва уларнинг амал қилиш мuddатини узайтириш	Лицензияловчи органлар Давлат хизматлари марказлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги)
16.	Чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат хизматлари марказлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги)
17.	Якка тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) рухсат бериш	Қурилиш бўлимлари (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги) Давлат хизматлари марказлари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги)
18.	Бинолар ва иншоотлар ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадни таъмирлаш) қилишни	
19.	Объектни реконструкция қилиш ва қайта ихтисослаштириш учун рухсатнома бериш	
20.	Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш	
21.	Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви	Давлат божхона хизмати органлари (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси)

*Қарздорликни текшириш суд ёки давлат ижроچиси томонидан Ўзбекистон Республикасидан чиқишга вақтинчалик чеклов ўрнатилганлиги мавжудлиги юзасидан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 21 МАЙДАН 25 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 186-сон "Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3015.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 22 майдаги 291-мқ-сон "Адвокатларнинг касбий малакасини оширишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2012-2.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 22 майдаги 292-мқ-сон "Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари тасдиқлаш ҳақида"ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

2018 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2960-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ҳисоб палатасининг 2018 йил 7 майдаги 92, 2018-41, 12/01-1075-сон "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаларини давлат бюджетига йўналтириш тартиби тўғрисида низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори.

2018 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1651-1.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 25 майдаги 295-мқ-сон "Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2861-1.

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 25 майдаги 296-мқ-сон "Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг адлия органларида стажировкадан ўтиши тартиби тўғрисидаги низомининг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2862-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 321-Б-8, 82, 2018-40-сон "Ҳужалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-8.

Авиачипта – ТМБ эмас

Биз МАКнинг авиачипта сотувчи агентлари ҳисобланамиз. Авиачипта-ларни, хусусан, корпоратив пластик карточка орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан ёзиб бераётганда (сотаётганда) Низомга (АВ томонидан 27.05.2003 йилда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва ҳаво йўллари бош агентининга ички низомига мувофиқ харидорлардан ишончнома талаб қиламиз.

Сўнгги пайтларда ТМБни олиш учун ишончнома тақдим этиш зарурати харидорларнинг норозилигига сабабчи бўлмоқда. Уларнинг айтишича, ҳозирги вақтда ҳеч ким бундай ҳужжатларни талаб қилмаётган экан.

ТМБни олиш учун ишончномасиз (корпоратив пластик карта восита-сида ҳақ тўланганда) харидорга авиачиптани бериш мумкинми?

Р.Алимамедова, иқтисодчи.

– Ҳа, мумкин. Бироқ юридик шахс-нинг вакили чиптани олиш ваколати-га эга эканлигини тасдиқлаши шарт.

Айтилган йўналиш бўйича йўлов-чини ташиш хизматидан фойдаланиш мақсадида авиачипта сотиб олинади. Ҳаво транспортида ташиш шартнома-сига биноан ташувчи йўловчи ва унинг юкини белгиланган манзилга элтиб қў-йиш мажбуриятини олади. Йўловчига чиптада кўрсатилган парвозни амалга ошираётган ҳаво кемасидан жой бе-рилади. Йўловчи белгиланган тариф бўйича парвоз учун, юк ташувчи белги-лаган меъёрдан ортқ қўл юки бўлган тақдирда эса – бундай қўл юки учун ҳам ҳақ тўлаш мажбуриятини олади (Ҳаво кодексининг 98-моддаси).

Чипта ва қўл юки паттаси, почта ва юкхати, шунингдек қоғозда ёки элект-рон шаклда расмийлаштирилмаган бошқа ташиш ҳужжатлари йўловчини ва қўл юкини, почтани ва юкини ҳаво транспортида ташиш шартномасини

тасдиқловчи ташиш ҳужжатларидир (ҲКнинг 101-моддаси).

Яъни авиачипта – шартнома тузил-ганлигини ва ҳаво транспортида та-шиш хизматидан фойдаланиш ниятини тасдиқловчи ҳужжат.

Шу тариқа, авиачипта товар-мод-дий бойлик ҳисобланмайди. Теги-шинча, уни сотиб олиш пайтида Товар-моддий бойликларни олиш-га ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тарти-би тўғрисида низомга (АВ томонидан 27.05.2003 йилда 1245-сон билан рўй-хатдан ўтказилган) мувофиқ ТМБни олиш учун ишончномани тақдим этишга зарурат йўқ.

Бироқ авиачипталарни корпора-тив банк пластик картаси ёрдамида сотиб олаётганда юридик шахснинг вакилига (карта сақловчисига) унда кўрсатилган мақсадларда фойдала-ниш ҳуқуқини берувчи ишончномани расмийлаштириш мақсадга муво-фиқ (ФКнинг 134, 138-моддалари).

Устав фондидаги товарларнинг реализацияси

МЧЖ улғуржи-чакана савдо билан шугулланади. Муассис устав фондида ҳиссани товарлар билан киритди. Келиб тушган товарларни оборот капитали учун реализация қилмоқчимиз, бироқ корхона улғуржи лицен-зияни олиб улгурмаган.

Бундай товарларни улғуржи савдо учун лицензиясиз реализация қи-лиш мумкинми?

О.Югай, бош бухгалтер.

– Ҳа, устав фондида киритилган товарларни баъзи шартлар билан ул-гуржи савдо учун лицензия олмасдан реализация қилишингиз мумкин.

Улғуржи савдо деб тижорат мақсад-ларида ёки ўз ишлаб чиқариш-ҳўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш учун ҳисоб-китобларнинг нақдинасиз шаклида харид қилинадиган товарларни соти-тиш тан олинади (ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқ-ланган Низомнинг 2-банди).

Товарларнинг ташкилот устав ка-питалига ҳисса сифатида киритилиши уларни сотиб олиш деб ҳисобланмайди ва улар улғуржи савдо таърифига мос келмайди. Шу сабабли сизнинг ҳолат-да товарларни улғуржи савдони амалга

ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиясиз реализация қилиш мумкин.

Бироқ кўрсатилган битимлар мун-тазам амалга оширилган тақдирда уларни қалбаки деб тан олиш хавфи юзага келади. Бу тегишли ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Лицензия олинishi шарт бўлган фаолият билан лицензиясиз шугулланиш маъмурий ва жиноий жавобгарликка олиб кела-ди (МЖТКнинг 165-моддаси; ЖКнинг 190-моддаси).

Агар битим бошқа битимни ни-қоблаш мақсадида тузилган бўлса (кўзбўямачилик битими), тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қоидалар қўлланилади (ФКнинг 124-моддаси 2-қисми).

Умумий овқатланиш билан шугулланувчи МЧЖ қўшимча равишда меҳ-монхона очди.

Унинг учун алоҳида директор бўлиши шартми ёки меҳмонхонанинг бар-ча ишларини МЧЖ раҳбари бошқара оладими? Меҳмонхонага раҳбарлик қилувчи штат бирлигини белгилаш учун муассислар умумий йиғили-шининг қарори зарурми ёки МЧЖ раҳбари уни яккабошчилик асосида белгилай оладими? Ходимларнинг маошлари қандай тариф сеткаси бўйича белгиланади?

А.Матназаров, бухгалтер.

Қўп тармоқли МЧЖда битта директор

– Фаолият юритувчи директор корхонанинг ҳар хил фаолият тур-ларига раҳбарлик қилиши мумкин. Бунда корхона штатида туризм со-ҳасида маълумотга ва (ёки) малака сертификатига эга бўлган ходим бў-лиши шарт.

Тадбиркорлик субъектлари қонун ҳужжатларида ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақли («Тадбиркорлик фаолияти эр-кинлигининг кафолатлари тўғриси-да»ги Қонуннинг 19-моддаси).

Қонунга қўра директор:

➤ жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг ман-фаатларини ифодалайди ва битимлар тузади;

➤ жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради;

➤ жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбат-лантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллаиди;

➤ жамият иштирокчиларининг уму-ий йиғилиши ва жамиятнинг куза-тув кенгаши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади («Масъулияти чек-ланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддаси 4-қисми).

Меҳмонхона хизматларини кўрса-тиш чоғида юридик шахснинг штати-да туризм соҳасида маълумотга ва (ёки) малака сертификатларига эга бўлган ходимлар бўлиши шарт (ВМ-

нинг 5.06.2017 йилдаги 355-сон қар-ори билан тасдиқланган Низомнинг 8-банди). Бунда қонун ҳужжатларида бевосита ташкилот директорида бун-дай маълумот ва (ёки) малака серти-фикати бўлиши талаб этилмайди.

Шу сабабли МЧЖ раҳбари «Умумий овқатланиш» ва «Меҳмонхона хизмат-лари» йўналишлари бўйича умумий раҳбарлиқни амалга оширишга ҳақли.

Бунинг учун иштирокчилар умумий йиғилишининг баённомаси талаб этил-майди.

Бироқ меҳмонхона ҳўжалиги ма-салалари учун жавоб берувчи ҳамда туризм соҳасида маълумотга ва (ёки) малака сертификатларига эга бўлган директор ўринбосарини (ме-нежер, мутахассис ва ҳ.к.) ишга қабул қилишингиз зарур.

Муайян давр учун белгиланган меҳ-нат нормасини ва меҳнат вазифала-рини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳ-натга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси-нинг биринчи разряди бўйича белги-ланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмас (МКнинг 155-моддаси; ВМнинг 21.07.2009 йилдаги 206-сон қарорига 1-илова). Бугунги кунда у 426 466,24 сўм (172 240 х 2,476*).

Меҳмонхона хизматларини ташкил этиш учун жавобгар бўлган ходим ўрин-дошлик асосида ёки бир неча лавозимда ишлаш тартибиде қабул қилинса, меҳ-нат ҳақи миқдори меҳнат шартномаси тарафлари ўртасидаги келишувга қўра белгиланади (МКнинг 160-моддаси).

*Меҳнатга ҳақ тўлашнинг 1-разрядига мувофиқ келувчи тариф коэффициентини.

Қарздан воз кечиш мумкин

2017 йил февралда компания қўшимча келишувга биноан импорт конт-ракти бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни биржа (ҲККП) орқали сўмда амалга оширадиган бўлди. Президентнинг 29.09.2017 йилдаги ПК-3295-сон қарори эълон қилиниши билан контракт бўйича тўлов тўхтатиб қўйилди. Биржада рўйхатдан ўтказилган сўмдаги контракт бўйича қарздан воз кечиш шартномасини тузиш мумкинми?

О.Сальникова, бош бухгалтер.

– Ҳа, қарздан воз кечиш тўғрисида келишув (шартнома) тузиш мумкин. Кредитор қарздорни унинг зиммасидаги мажбуриятлардан, агар бу ҳол бошқа шахсларнинг кредитор мол-мулкига нисбатан ҳуқуқларини бузмаса, озод қилиши мумкин. Бунда қарздорнинг мажбурияти бекор бўлади (ФКнинг 348-моддаси).

Бу ҳолда контракт томонлари қарздан воз кечиш тўғрисида келишув (шарт-нома) тузишлари лозим, унинг доирасида импорт контракти бўйича тўлов маж-бурияти бекор бўлади.

Импорт контракти бўйича қарз суммаси контракт юзасидан қарздор компания-нинг даромади ҳисобланган, текин олинган мол-мулк деб тан олинади (Солиқ кодексининг 135-моддаси). Шу муносабат билан компанияда солиқ оқибатлари юзага келади. У белгиланган солиқ солиш тартибига қараб ЯСТ ёки фойда солиғи тўлаши керак бўлади.

Корхонамиз ВМнинг 5.02.2002 йилдаги 48-сон қарори, давлатлараро битимлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўз фаолиятини амалга оширади. Туркменистон ҳудудидида жойлашган ишлаб чиқариш участкаларида туркман фуқаролари ишлайдилар.

Туркменистон тиббиёт муассасалари томонидан берилган ушбу ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини тўлов учун қабул қилишга ҳақлимизми?

Б.Ибодуллаев, бош бухгалтер.

Тўлов учун қабул қилинсин

— Фикримизча, корхонангиз Туркменистон тиббиёт муассасалари томонидан берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини тўлов учун қабул қилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг моҳиятидан келиб чиқса, корхонангиз Туркменистон ҳудудидида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмаган таъмирлаш-ишлаб чиқариш участкаси сифатида фаолиятни амалга оширади (ВМнинг 5.02.2002 йилдаги 48-сон қарори 1-банди).

Шу тариқа, қўрсатилган ишлаб чиқариш участкалари корхонангиз бўлинмалари (филиаллари) сифатида фаолият қилиб, унинг вазифаларини бажармоқда (ФКнинг 47-моддаси). Яъни ушбу бўлинмаларнинг хорижий ходимлари бевосита «Гидромеханизация» давлат иктисослаштирилган бошқармасида ишга жойлаштирилган (МКнинг 14-моддаси).

«Гидромеханизация» ДИБнинг Туркменистон фуқаролари ҳисобланган, Туркменистон ҳудудидида доимий яшовчи ва ишловчи жалб этилган ходимларига меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори, шу жумладан ижтимоий тўловлар таъсис этган мамлакатнинг (Ўзбекистон Республикасининг) қонун ҳужжатларига ёки давлатлараро икки томонлама битимларга мувофиқ белгиланади (ВМнинг 48-сон қарори 2-банди).

Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси шахсни ишдан озод қилиш, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўлаш учун асос бўлади. Ушбу ҳужжат давлат соғлиқни сақлаш тизими, шу жумладан, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларига қарашли даволаш-профилактика муассасаларининг даволочи шифокорлари томонидан берилди (АВ томонидан 17.04.2015 йилда 2667-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 1, 4-бандлари).

Шу тариқа, давлатлараро битимларда* бошқача қоида белгиланмаган бўлса, корхона Туркменистон давлат тиббиёт муассасалари томонидан берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини тегишли бўлинмаларда ишловчи мазкур давлат фуқароларига тўлашга ҳақли деб ҳисоблаймиз.

Александр Лобанов, «Norma» МЧЖ эксперти.

*Бундай ҳужжатлар тўғрисидаги ахборот эркин фойдаланиш учун очик бўлмайди.

Мураббийлик қилиш муддати

Биз мудофаага қўмаклашувчи ўқув спорт-техника клуби (собиқ ДОСААФ) ҳисобланамиз. Ташкилотимизнинг юқори турувчи органи ёш мутахассис билан мураббийлик иш режасини тузиш ҳақида буйруқ берди.

У қандай тузилади? Қандай норматив ҳужжатларни инобатга олиш лозим? Буйруқ чиқаришимиз керакми? Мураббийлик қилиш учун қанча муддат белгиланган?

А.Тоҳтиева, кадрлар бўйича инспектор.

— Қонун ҳужжатларида ёш мутахассис билан мураббийлик иш режасини тузиш тартиби белгиланмаган.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий мамлакатлар мисоли ва тажрибасига таяниб, ўз локал норматив ҳужжатингизни (мураббийлик режасини) ишлаб чиқишингиз мумкин.

Ташкилотингизда ўз мураббийлик режасини ишлаб чиқиш учун Интернет тармоғида эълон қилинган услубий материалларни асос қилиб олишингиз мумкин. Мураббийлик тўғрисида низом шаклида мураббийлик режасини ишлаб чиқиб, ташкилот раҳбарининг буйруғи билан уни тасдиқлаш ва амалга киришни тавсия этамиз.

Азим Ажибеков, «Norma» МЧЖ эксперти.

Айб ўзида

Корхонамиз ходими ишдан бўшаиш тўғрисида ариза ёзмай ва меҳнат дафтарчасини олмай туриб, бошқа ташкилотга ишга ўтиб кетди.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузмаслик учун мазкур вазиятда қандай йўл тутишимиз мумкин?

Р.Жумабеков, бош бухгалтер.

— Қонун ҳужжатларида бошқа ташкилотларга ишга ўтиш назарда тутилмаган. Ходим ишга чиқмай қўйган, меҳнат шартномаси бекор қилинишини расмийлаштирмай ва меҳнат дафтарчасини олмай туриб бошқа ишга жойлашиб олгани маълум бўлса, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини сиз эмас, балки:

1) ходимни ишга қабул қилган ва лозим даражада, ишга қабул қилиш вақтида ходимнинг меҳнат дафтарчасини албатта тақдим этишини назарда тутувчи расмийлаштиришсиз уни ишга олган янги иш берувчи бузмोकда (МКнинг 80-моддаси). Ушбу норма бажарилганда ходим аввалги иш берувчисини меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ўз вақтида хабардор қилган, у эса унинг бекор қилинишини лозим даражада расмийлаштирган бўлар эди;

2) ишга чиқмай қўйган ходим бузмोकда. У меҳнат интизомини бузувчи ҳисобланади.

Сиз иш берувчи сифатида ушбу далилни прогул сифатида баҳолашга ҳақлисиз. Бинобарин, ходимга нисбатан қонун ҳужжатларида ёки корхонанинг локал ҳужжат-

ларида назарда тутилган муайян таъсир чораларини қўллашингиз, шу жумладан ўз хоҳишига қўра эмас, балки ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузганлиги учун иш берувчининг ташаббусига қўра у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишингиз мумкин (МКнинг 100-моддаси 3, 4-бандлари).

Прогол далилининг ўзини исботлаш зарур бўлади. Аввало ходим ишга чиқмай қўйган биринчи кундан бошлаб:

➤ прогул далилини ҳужжат билан қайд этишни тавсия этамиз. Бу бевосита раҳбарнинг рапорти ёки ходимнинг иш жойида йўқлигини қайд этувчи далолатнома бўлиши мумкин;

➤ ишга чиқмаганлиги сабаблари ҳақида ёзма тушунтириш бериши талаб қилинган хатни ёзиб, ходимнинг иш жойида йўқлиги сабабларини албатта аниқлаш;

➤ ходимнинг ёзма тушунтиришини олган, унга нисбатан интизомий жазо қўллаш, у билан меҳнат муносабатларини давом эттириш эҳтимоли ёки меҳнат шартномасини



бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Ишдан бўшатилганда меҳнат дафтарчасини ходимнинг қўлига бериш зарур. Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходим меҳнат дафтарчасини олмаса, унга меҳнат дафтарчасини олиб кетиши ёки уни ходим қўрсатган манзилга почта орқали жўнатишга ёзма розилик бериши зарурлиги тўғрисида ёзма огоҳлантириш (почта хабарномаси) жўнатиш лозим (АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 3.3-банди).

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
уринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ёқлазиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича — 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муносабат қилиш мумкин.

Газета нашр — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терлиги ва саҳифаланди.
Нашр қўрилгани — 186. Қроғ бичими — А3. Ҳажми — 2 босма табоқ, баҳоси келишадиган нарда.
Буюртма 287. Адади 870. Газета 2018 йил 18 июнь соат 16.00 да топирилди.